

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 27-mart, chorshanba
№ 23 (15661)

Хуқуқий билим — тараққиётниң муҳим омили

Тошкент ахборот технологиялари университетида «Ёшлар ва хуқуқий тарбия масалалари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Республика Маънавият тарбибот маркази ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигига ташкил этилган тадбир «Обод турмуш или» давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига бағишиланди. Унда ёшлар ва хуқуқий маданият, маънавий ва ахлоқий тарбия, ёшлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятли, маънавий баркамол, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш масаласига долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Мустақилликнинг ilk йиллариданоқ ёшлар хуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор қонунлар, норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси вояга етмаганлар ва ёшлар хуқуқларини ҳимоя қилишда олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат бўлиб, унга асосан, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган хуқуқлари ва эркинликларини таъминлади.

Тадбирда мустақилликнинг ilk қунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида вояга етмаганлар ва ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислоҳотларни ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган, тизимили, босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегияси белгилаб олингандигини аниқ мисоллар орқали эътироф этилди. Мазкур ислоҳотларнинг асосий мақсади ёшлар иқтидорини жамият манфаатлари йўлида тўла рёбига чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда кафолатлашга қаратилди.

Бугунги кунда ривожланган хуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда ёшларнинг билими, дунёкараши кенг бўлиши муҳимдир. Тадбирда адлия органлари томонидан манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ёшларнинг хуқуқий фаоллигини юксалтиришда дунёдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, муаммо ва таҳдидларга бағишиланган турли мавзуларда семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа сиёсий хуқуқий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидланди.

Анжуманда қонун ҳужжатларида вояга етмаганлар ва ёшлар хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича белгиланган нормалар ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш механизmlарини янада такомиллаштириш, вояга етмаганлар ва ёшлар хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича доимий равишда жамоатчилик фикрини ўрганишни кенгайтириш масалалари ҳамда бу йўналишда ёшларнинг фаоллигини оширишга қаратилган тегишли таклифлар билдирилди.

Фармон МАТНАЗАРОВ,
«Туркистон-пресс»



Сардор Муллажонов фотоколлажи

Ўзбекистон — Ливан: 1-0

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш мусобақасининг тўртинчи босқич олтинчи тур учрашувида Ливан футболчиларини 1:0 ҳисобида маглубиятга учратди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратиляётган алоҳида эътибор самарасида мамлакатимиз чарм тўп усталари халқаро майдонларда улкан муваффакиятларга эришмоқда.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз тарихида ilk маротаба футбол оламининг энг нуфузли мусобақаси — жаҳон чемпионати йўлланмасини кўлга киритишга жуда яқин турибди. Халқимизнинг юксак

салоҳиятини, кучли характер ва ватанпарварлик намуналарини намоён этаётган футболчиларимиз Осиё саралаш мусобақасининг якуний босқичида пешқадамлик қилмоқда.

Ўзбекистон ва Ливан миллий терма жамоалири ўртасидаги учрашув мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида янги қуриб битказилган муҳташам «Бунёдкор» стадионида бўлиб ўтди.

«А» гуруҳида охирги ўринни эгаллаб турган Ливан учун Тошкентдаги

ўйин ҳал қилувчи аҳамият касб этарди. Ўзбекистон миллий терма жамоасидан енгилса, жаҳон чемпионатига бора олмаслигини яхши билган ливанлик футболчилар мухим учрашувда ҳамюртларимизга қаттиқ қаршилик кўрсатди.

Янги стадионга келган минглаб муҳлисларнинг астойдил қўллаб-кувватлаши остида ҳужумкор ўйин намойиш этган футболчиларимиз мухим фалабага эришиди. Учрашувдаги ягона голни терма жамоамиз сардори Сервер Жепаров киритди.

Ушбу ғалабадан сўнг Ўзбекистон миллий терма жамоаси 11 очко жамғариб, пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлади.

Futbol
Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Жанубий Корея футболчилари ўз майдонида сўнгги дақиқаларда урган голи эвазига Қатар миллий терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўн очко билан иккинчи ўринга кўтарилди. Мағлубиятга учраганига қарамай, қатарликлар ва бу турда дам олган Эрон миллий терма жамоаси ҳам ҳисобларидағи етти очко билан мундиал йўлланмаси учун курашни давом эттирмоқда.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш босқичининг навбатдаги учрашувини 11 июнь куни сафарда Жанубий Корея футболчилариiga қарши ўтказади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири



«Kamolot» xabarları

Футбол бўйича олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилаётган «Камолот» кубоги турнири қизгин паллага кирди. Айни кунда турнирнинг миңтақавий босқичлари давом этмоқда.

Финалга йўлланма

Улардан бири Қарши шахридаги «Насаф» футбол клубининг сунъий қопламали майдонида бўлиб ўтди. Унда Бухоро, Сурхондарё, Навоий ва Қашқадарё вилояти босқичи галиблари майдонга тушди. Дастлаб Термиз давлат университети билан Қарши давлат университети жамоалари баҳс олиб боришиди. Ушбу ўйинда қаршиликлар 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи ўйинда Бухоро давлат тиббиёт институти жамоаси Навоий давлат педагогика институти жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Учинчى ўрин учун кечган баҳса да навоийлик ҳаваскор футболчилар сурхондарёлик тенгдошларини 2:1 ҳисобида ортда қолдирди. Шундан сўнг ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Финалда Қарши давлат университети ва Бухоро давлат тиббиёт институти жамоалари. Муҳлислар олқиши остида ўтган ушбу баҳс ҳужумларга бой бўлди. Ҳакамлар ҳайъатининг якуний холосасига кўра, 0:3 ҳисоби билан техник ғалаба бухороликлар фойдасига ҳал бўлди.

Турнирнинг яна бир миңтақавий босқичи Нукус ва Урганч шаҳарларида бўлиб ўтди. Нукус шаҳридаги «Турон» спорт мажмуасида бўлиб ўтган биринчи босқичда Қорақалпоқ давлат университети ва Урганч давлат университетининг ҳаваскор футбол жамоалари баҳс олиб боришиди. Ўйин 1:0 натижаси билан қорақалпогистонлик ёшлар фойдасига ҳал бўлди. Урганч олимпия заҳиралари коллежида ўтказилган жавоб ўйини эса, хоразмлик Жасур Салоевнинг пенальтидан киритган ягона голи билан якунланди. Турнирнинг республика финал йўлланмаси пенальтилар сериясида аниқланди. Унда 3:2 ҳисобида Урганч давлат университети жамоаси ғалаба қозонди.

— Ушбу турнир ёшлар орасида катта қизиқиш уйғотяпти, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бўлим мудири Умид Ражабов. — Масалан, ўтган йилги миңтақавий босқичларни 50-100 нафар томошибин кузатган бўлса, бу йил томошибинлар сони 250-300 нафарга етмоқда. Бу ҳам ёшларнинг футbolga бўлган қизиқишини оширмоқда. Жамоаларда ҳам ўшиш бор. Ўтган йили Бухоро вилояти жамоаси миңтақавий босқичга чиқолмаган бўлса, эндиликда финалга йўлланма олди.

Қизгин ва муросасиз курашларга бой бўлаётган мусобақада галиб ва фаол иштирокчилар «Камолот» кубоги, галиблик дипломи ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалил совғалари билан тақдирланмоқда.

Рустам Қўчкоров

ҚАДРИЯТ, УРФ-ОДАТ, АНЬАНА:

Бугун ахборот технологиялари орқали кириб келаётган бегона одатлар ёшлар онгида «коммавий маданият»нинг турли қўринишларига қарши кураша оладиган иммунитетни шакллантириши талаб этмоқда. Бунда турли тарғибот тадбирлари билан биргаликда миллий қадриятларимизни ҳам ёшлар орасида кенг тарғиб этиш зарур. Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ранг-баранг тадбирларни ўз ичига олган «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга. Бугун ушбу лойиҳа ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар қалбida ватанпарварлик каби улуғвор фазилатларни шакллантириш ҳамда ҳалқимизни бокий қадриятлардан хабардор этишга хизмат қилмоқда. Қуйида ушбу лойиҳа доирасида юртимиз бўйлаб ўтказилаётган фестиваллар ҳақидаги лавҳалар билан танишасиз.

БАРХАЁТ ҚАДРИЯТЛАР

Миллий қадриятларимизни акс эттирган ушбу фестиваль Нуротанинг Қадоқ қишлоғи кенгликларида ҳам кўтаринкилик билан ўтказилди. Ушбу айёмга Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» ОАЖ ўз ёрдамини кўшиди.

Жамалаксоч, кашта либос кийган нуроталик қизларнинг бадиий чиқишилари билан бошланган байрам тадбири туманлардан ташриф буюрган Ҳаракатнинг ҳавосидан биринчи ташкилоти аъзолари ва маданият ходимларининг Наврӯзи оламни мадҳ этувчи куй-қўшиклири ила давом этди. Нуротанинг «Нуржоҳон», Хатирчининг «Ёр-ёр» фольклор жамоаларининг ҳалқ қўшиклири фестиваль иштирокчиларини рақсга унади. Ҳироми сочларидаги жамалак қўнғироқлари оҳангидан билан уйғунлашган «Ширин» маданият саройининг раққоса қизлари «Тановар» куйини ўз ҳаракатларидан жонлантиришиди.

Қадоқ қишлоғининг тоғ ва адирларга туашган сарҳадлари ҳалқ миллий ўйинлари намойиши билан янада файзга тўлди. Қўчкор уриштириш, арқон тортиш, кураш ўйинларида нуроталик йигитлар «кураги ер ўпмаган Алномиш»дек ўзларини мардона тутдилар.

Варраклар сайли, асосан, болакайлар учун завқли майдонга айланди. Юздан ортиқ варрак самода оқ кабутардек парвоз этди, бу манзара ҳар кўнгилга ҳайрат солди, десак, янгишмаймиз.

Нуротада қизи бор уйда кашта тикилиши азалий одатdir. Бу анъана ҳозир

ҳам давом этади. Фестиваль мобайнида ташкил этилган миллий либослар, каштацилик буюмлари кўргазмасида ҳам ана шу одат яққол намоён бўлди. Шунингдек, тадбир давомида Қадоқ қишлоғидаги 15-мактабда «Камолот» боғи бунёд этилди.

— Ёшларни ёт ғоялардан асраларнинг энг самарали йўлларидан бирни уларни эзгу амалларга ўргатиш, қадрият ва анъаналаримиз моҳиятини тушунтиришидир. Фестивални ташкил этишдан мақсад ҳам айнан шу. Тадбиримизда беш мингдан ортиқ ёшлар иштирок этаяпти. Уларнинг ҳар бирни бу ерга келолмаган тенгдошларига тушунгандарининг мазмунини етказса ҳам, камида ўн мингдан зиёд ёшлар қалбida қадриятларимизга ҳурмат хиссini уйғотган бўламиз, — дейди «Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши раиси Нурбек Улуғбердиев.

«Камолот» боғига таълим муассасалари ўқувчилари юздан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчкатларини экишди.

Фестиваль майдонидаги тадбирлардан сўнг ёшлар иштирокида «Оқтепа» қабристонида ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Тадбир якунида «Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши томонидан фаол ёшларга эсдалил совғалар топширилди.

Гулжаҳон СУВОНОВА

ҚАДРИЯТЛАРНИ ҚАДРЛАЙМИЗ

Ушбу лойиҳа Тошкент вилоятида ҳам кўтаринки руҳ-



да ўтказилди. Зангиота тиббиёт коллежида ташкил этилган фестивалда вилоятдаги ҳар бир туман ва шаҳардан келган ёшлар ўз худудидаги миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни кўрсатиб беришиди.

— Вилоятимизда 130 дан ортиқ турли миллат ва элатлар истиқомат қиласи, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши раиси Азамат Камолов. — Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ушбу миллат ва элатларнинг урф-одатларига ҳурмат билан қараш, диний бағрикенглигни асралаш каби туйғуларни ёшлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилаётган ушбу тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда.

«Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» фестивали давомида «Варраклар сайли», «Миллий ўйинлар», «Сумалак сайли» каби лойиҳалар ҳам бўлиб ўтди. Фестивальда вилоятнинг барча туман ва шаҳар жамоалари ўзларига бириктирилган миллатларнинг урф-одатлари ва таомларини ҳакамлар ҳайъати аъзоларига тақдим этишиди. Бундан ташқари жамоалар турли қардош мамлакатларнинг урф-одатлари акс этган театрлаштирилган саҳна қўринишларини ҳам намойиш этишиди.

Тадбир якунида «Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши томонидан тайёрланган сумалак тарқатилди. Фестиваль давомида «Ошиқ ўйини», «Подачи», «Ёшлиқ» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ талабалар шаҳарчаси етакчилар кенгаши ҳамда Олмазор тиббиёт

НАВРЎЗ САЙЛИ

Пойтахтимизда қирқ минг нафардан ортиқ ёшларни бирлаштирган «Ёшлиқ» талабалар шаҳарчасида ҳар йили Наврӯз — умумхалқ байрами катта тантаналар билан нишонланади. Миллий урф-одат ва қадриятларимизни акс эттирган Наврӯз тадбирлари шаҳарчадаги барча таълим муассасаларида бўлиб ўтмоқда.

«Ёшлиқ» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ талабалар шаҳарчаси етакчилар кенгаши ҳамда Олмазор тиббиёт

Озод юртнинг бахтили фарзанди

Ирода — иқтидорли спортчи, дзюдо бўйича тўққиз карра мамлакат чемпиони, беш карра жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндори. Бу ютуқларнинг барчасига эришиш катта иқтидор, интилиш, асосийси, мустаҳкам ирода ва қатъиятни талаб этади.

Жиззах давлат педагогика институти жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультетининг 3-боскич талабаси Ирода Матмуродова ана шундай фазилатларга эга. Унинг ютуклари билан бугун нафакат якинлари ва дўстлари, балки миллионлаб спорт муҳлислари ҳақли равишда фурурланади.

— Хорижий мамлакатларда ўтадиган турли ҳалқаро мусобақаларда «Ирода Матмуродова, Ўзбекистон» деган сўзлар янграганда қалбим чексиз фаҳр-ифтихорга тўлади, — дейди Ирода. — Айниқса, Ватаним номини эшитганда бутун борлигимни куршаб оладиган ҳаяжонни сўз билан таърифлаб бера олмайман.

Ирода Жиззах шаҳридаги «Сайилхойи» маҳалласида ўсади. Унинг

оила аъзолари спортга меҳр қўйган. Бу фазилатнинг фарзандларга ҳам ўтишида оила бошлиғи Бахтиёр аканнинг ҳиссаси катта. Ўн икки ёшидан биринчи устози Хайрулла Абдураҳмонов Иродага дзюдо сирларини ўргата бошлади. У мактабни битиргач, республика олимпия заҳиралари коллежида ўқиши давом эттириди. Ҳозир институтда ўқиш билан бирга, Жиззах олимпия заҳиралари коллежида мураббиялик қиласди.

— Қўзим ҳақиқатан ҳам озод юртнинг бахтили фарзанди, — дейди Ироданинг онаси Муборак опа. — Ҳали ёш бўлишига қарамай, жаҳоннинг деярли ярмини кўрди. Биз буни орзу ҳам қила олмасдик. Бу Юртбoshимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ёшларининг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун кўрсатилилаётган улкан фамхўрлик самарасидир.

Спортда ҳеч бир ютуққа осонлик билан эришиб бўлмайди. Ирода ҳам мусобақалarda ғалаба қозониш, отонаси, устозлари, юртнинг юзини ёруғ қилиш учун тинимсиз изланади, маҳоратини ошириб боради. Унга бу жараёнда дзюдо бўйича мамлакат хотин-қизлар терма жамоаси бош мураббийи Неля Киёмова, мураб-



бийлар — Жаҳонгир Аширов, Нигора Хидирова катта ёрдам бермоқда. Ирода устозларидан доимо миннатдор.

Кўплаб ёш истеъдод соҳибалари қаторида Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ кўрилган Ирода Матмуродованинг орзулари янада улкан. У жаҳон миқёсидағи нуғузли мусобақаларда ғалабаларга эришиб, Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш, ўқиши битирганидан сўнг, мураббия сифатида юртимиз қизлари орасидан етук спортчиларни тарбиялашга ҳисса қўшиш мақсадида ўқиб-изланмоқда, меҳнат қилмоқда.

**Тошкул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири**

Ўқувчи ўз келажагига шониши керак

Боёвут қишлоқ ҳўжалиги қасб-хунар коллежида еттига йўналиш бўйича 993 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга 86 нафар малакали педагог сабоқ беради. Ўқувчиларимизнинг мукаммал билим олиши учун барча шароитлар мухайё. Иккита компьютер синфи, барча қуалайликларга эга ахборот-ресурс маркази, спортзал ва майдончалар ўқувчилар ихтиёрида.

Ўқув амалиётига алоҳида эътибор қаратганимиз. Ўқув амалиётларини бир маромада олиб бориш учун замонавий автомобиллар ва тракторларимиз бор. Қишлоқ ҳўжалиигига оид механизм ва агрегатлардан ўқув амалиётида унумли фойдаланилади.

Коллежимиз учун 6,5 гектар ер ажратилиб, ўқув-тажриба ҳўжалиги ташкил этилган. Мазкур тажриба ҳўжалиги, асосан, бофдорчиликка мўлжалланган. Айни кунларда тажриба ҳўжалигимизга минг тупдан зиёд мевали дараҳт кўчатлари ўтқаздик. Бир вақтнинг ўзида ўқувчиларимизнинг ўқув-амалиётида ишлари ҳам шу ерда олиб борилади. Етук ва малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратганимиз. Битирувчи ёшларнинг иш билан таъминланиши диккат марказимизда. Жорий ўқув йилида 366 нафар ўқувчи колледжни битирса, хозирда 184 та ташкилот билан уч томонлама шартномалар тузилган.

**Назиржон ХЎЖАНОВ,
Боёвут қишлоқ ҳўжалиги қасб-хунар коллежи директори**

Қоравойнинг онаси нима дейди?

«Шум бола» фильмини эслайсизми?

Маҳалланинг бир тўл ўйинкароқ ўспириналари тўпланишиб, ҳалфана дастурхон ёзмоқчи бўлишади. Бош қаҳрамон Қоравой эса ҳеч нарсадан тап тортмай, товуқхонага кириб, товуқларни қаф-қафлатганча ҳали совиб ултурмаган тухумни дўгписи-нинг тагига тикиди. Буям етмагандек, хумдондаги омухта ёғдан ўмарид, иштонига яширади. Уйдагиларнинг кўзини шамгалат қилганча энди кўчага қараб жуфтакни ростламоқчи бўлиб турганида қўлга тушади. Иштонбогининг орасидан қоғозга ўроқлиқ ёғни пайпаслаб топиб олган она шўрликнинг ҳовлидаги бир тўл жужуқаларни кўрсатиб айтган гапи...

Майли, бу ҳақда кейинрок...

... Муайян қийматдаги товар-моддий бойликлар ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи мухим воситалардан хисобланади. Мўл-қўллик, тўкин-сочинликка нима етсин? Турмушнинг ободлиги шу биланда. Лекин бу ҳаргиз бундай неъматларни истаганча талон-торож қилиш мумкин, дегани эмас. Мутлақо!

Шундайку-я, бироқ юртимиздаги товар-моддий бойликларни турли эгри йўллар

орқали, четдаги баъзи шайтонмизоқ кимсалар билан хуфиёна келишиб, қўшни минтақалардаги йўқчилик ва тақчилликдан фойдаланган ҳолда мамлакат ташқарисига ноконуний чиқариб юборишга уринишлар ҳали-ҳануз учраб туриди. Афсуски, инсон баъзан пул кетидан кувиб, осон бойлик ортириш пайига тушганда булар ҳақида ўйлаб кўрмас экан, чоғи.

Масалан, Бекобод шаҳрилик Мұхаббат Абдураззоқова шу ҳақда ўйлаб кўрган, дейсизми? Агар шундай бўлганда, салкам эллик ёшни қоралаб, ҳаётнинг унча-мунча пасту баландини кўришга ултурган чоғида бир тўл пасткаш кимсаларнинг ногорасига ўйнамаган бўларди.

Унинг ҳамشاҳари Ойбек Абдузатторов-чи? Эндиғина 22 ёшни қоралаган бу азамат йигитни нима жин урди, қай шайтон жиноят кўясига бошлади?

Келинг, қисқача тафсилотларга тўхталайлик.

Мұхаббат Абдураззоқова Бекобод шаҳридаги «Фурқатбек шифо» хусусий корхонаси эгаси. Тузуккина тадбиркор. Хусусий дорихона фаралиятини йўлга қўйган.

Хуллас, 2012 йилнинг баҳор ойларида Мұхаббат Абдураззоқова дастлабки терговда аниқлаш имкони бўлмаган таниши, (ўзининг айтиши

бўйича бир йиллик таниши) асли Тоҷикистон Республикаси фуқароси бўлган «Муҳибillo» исмли шахс ҳамда Бекобод шаҳри К.Фармонов маҳалласи, Бекобод кўчаси 5-ўйда яшовчи Ойбек Абдузатторов билан жуда кўп миқдордаги дори-дармон во-ситаларни келтириб берди. Абдураззоқова бу моддий қийматликлар яширин тарзда Тоҷикистон Республикасига ўтказилишини олдиндан билгани ҳолда, уларни ҳеч бир мулоҳаза қилиб ўтирай, вақтинча сақлаш учун ўз уйига —

Бекобод тумани Бобур қишлоқ фуқаролар йигини, «Дўстлик» кўясидаги 3-хона-донга туширид. Келишилганидек, шу куннинг ўзида Ойбек Мұхаббат билан кўришиб, унинг уйидаги дори-дармонларни ўзининг бошқарувидаги давлат рақами «Ваз-2109» русумли автомашинага юклади-да, вақтинча сақлаш учун ўзи истиқомат қилаётган манзилга олиб кетди.

2012 йилнинг 22 апрель куни ҳукуқ-тартибот идоралар

ри вакиллари ҳамкорлигидаги навбатдаги қўшма тадбир доирасида О.Абдузатторов яшаб келган хонадон холислар иштироқида кўздан кечирилганда доришурушларнинг қінғир нияти фош бўлиб қолди. Яъни худди шу жараёнда ҳовлида турган давлат рақами «Ваз-2109» русумли автомашина ичидаги четэлда ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган 31 турдаги, умумий қиймати 43 миллион 675 минг 873 сўмлик бўлган, ҳеч қандай ҳужжатсиз дори-дармон во-ситалари борлиги аниқланди. Шунингдек, хонадоннинг ички хоналарининг биридаги темир кутидан 9500 АҚШ доллари топилиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Бугина эмас, М.Абдураззоқованинг юқоридаги манзилдаги хонадони кўздан кечирилганда ҳам тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган 47 дона «Терафлю», 1088 дона «Цефтриаксон» ҳамда 84 дона «Эссел Джуниор» номли дори во-ситалари чиқди.

Ҳар қандай жиноятни умри қисқа. Бинобарин, ҳалқимизда кўза кунда эмас, куннада синади, деган гап бор. Ким билади, дейсиз, қинғир йўллар билан пул топиб, бойлик ортириши ўзига касб қилиб олганлар, эҳтимол, биринки сафар шум режаларини хамирдан қил суғургандек амалга оширишга ултурлар ҳам. Аммо бир кун келиб ҳаётидаги қарор топиши, айдорлар қилмишига яраша жазо олиши муқаррар-ку!

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Жиноят ишлари бўйи-

ча Бекобод шаҳар суди мазкур иш юзасидан одилона ҳукм чиқарди.

Суд мажлисида М. Абдураззоқова ҳам, О.Абдузатторов ҳам ўз қилмишларини хаспўшлаш учун бирор жўяли сабаб қўрсата олмадилар. Аксинча, қилмишларининг салбий оқибатларини чукурроқ ўйлаб кўрмаганликларини, қилмишларидан тамоман афсусда эканликликларини ботбот таъкидлаб, суддан енгиллик сўрадилар, холос.

Алқисса, ҳукм шундай бўлди, судланувчи М.Абдураззоқова ўз қилмишларини хаспўшлаш учун бирор жўяли сабаб қўрсата олмадилар. Аксинча, қилмишларининг салбий оқибатларини чукурроқ ўйлаб кўрмаганликларини, қилмишларидан тамоман афсусда эканликликларини ботбот таъкидлаб, суддан енгиллик сўрадилар, холос.

Бугина эмас, М.Абдураззоқованинг юқоридаги манзилдаги хонадони кўздан кечирилганда ҳам тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган 47 дона «Терафлю», 1088 дона «Цефтриаксон» ҳамда 84 дона «Эссел Джуниор» номли дори во-ситалари чиқди.

Ҳар қандай жиноятни умри қисқа. Бинобарин, ҳалқимизда кўза кунда эмас, куннада синади, деган гап бор. Ким билади, дейсиз, қинғир йўллар билан пул топиб, бойлик ортириши ўзига касб қилиб олганлар, эҳтимол, биринки сафар шум режаларини хамирдан қил суғургандек амалга оширишга ултурлар ҳам. Аммо бир кун келиб ҳаётидаги қарор топиши, айдорлар қилмишига яраша жазо олиши муқаррар-ку!

... Дарвоқе, Қоравойнинг онаси шундай дейди:

— Кимнинг ризқини қияпсан? Мана шу қоракўзларнингми??

А.БЕКМУРОДОВ

Чиар бизни түшүнгөнди

Шохуда билан бир синфда ўқыганымиз. Жуда тортингчоқ, камсукум қыз эди. Доим ағло баҳоларга ўқып, катта мақсади Тиббиёт академиясыга ўқышыга кирип, шифокор бўлиши эди. Буни унга яқин дугоналигим учун фақат мен билардим. Дарсларни қолдирмайдиган, фанларни яхши ўзлашибидиган, ақлли дугонамнинг ниятига эришишига ишонардим. Аммо... Шохуда мактабни битирган йили отаси уни яқин ошнасининг ўғлига турмушга узатди. Бояқши дугонам юрагидаги орзум мақсадлари ҳақида чурк этмай, рўзгор атальмиш уммон қаърига шўнгиг кетди...

Моҳира билан академик лицейда танишдим. Ўқишининг илк кунларида, хамма бир-биридан тортишибурган вақтда кўзлалири чақнаган қыз ёнимга ўтиди. Шу-шу, у билан сұхбатимиз чиқишиб, қалин дугонага айландик. Моҳира яхши ўқып, бирок кийим-кечакка, зеб-зийнатга ўчлиги бор эди. Ким қайси касб эгаси бўлиши ҳақида гап кетса, «Ўқитувчи

**Бизда ҳамиша
БАҲОР!**

Туаржойимиз ошхонасида турли вилоятдан келган қизлар ҳар бири ўзгача таом тайёрлайди. Қунт қылсангиз, ҳаммасини ўрганиб олиш мумкин. Тозалик-ободликка эзтиборли туаржойимиз мудири ҳам жуда яхши инсон. Ҳудди ўз қизига қайтурсандек, кеч қолмаслигимиз ва озодаликка риоя қилишимизни барчамизга уқтириб турди.

Биз тўрт қаватли бинонинг иккичи қаватида турамиз. Шу кунга қадар соҳонамизда яшовчи деярли барча қыз билан ахил-иноқ бўлиб олдик. Қизлар жуда ҳам тарбияли, зиёли одамларнинг фарзандлари экани шундок сезилиб турди. Илмга чанқоқ ва билимдонлари биз каби биринчи курс талабаларига йўл-йўрік кўрсатишдан, ёрдам беришдан қочмайди. Чунки улар ҳам биз каби бўлишганида катта курсларда ўқийдиган қизлар шундай қилишган экан. Бу жуда ҳам ҳурматга лойиқ фазилат, шундаймасми?

Университетимизнинг 1-талабалар туаржойида ҳар тонгимиз кулги билан отиб, кунимиз кулги билан ботади. Қизлар жуда шўх-шаддод. Айнича, бирга турдиган дугонамни тўртта қаватда ҳам танишади. Үнга кўпчилик «Кўчашча», менга эса «Ҳамиша баҳор» деб ном кўйиб олганымиз. Үзгаларга табассум улашишдан толмайдиган хонадошим меҳрибон ва очиккўнгиллиги билан ажралиб турди. Қўшинынг кизлар, хонамиздан овоз чиқмай қолса, ҳавотирланиб, ҳол-ахвол сўраб келишади. «Овозларинг чиқмаса, ё касал, ё ухляпти, деб ўйлаймиз. Илтимос, жим бўлиб қолманлар», дейишганида, рости, ҳурсанд бўламиш. Барчамиз қизлар билан тайёллаган овқатларимиздан энг яқин «қўши»ларимизга улашишни ёқтирамиз.

Яқинда сессияни икковимиз ҳам ағло баҳога «ёғганимиз» муносабати билан барчага ширинлик улашдик. Қизлар чин кўнгилдан: «Ахир, сизлар беш баҳога муносабисизлар-да. Охирги курсингизгача доимо шундай ўқинглар», деб тилак билдиришди. Бундай муносабатдан мамнун бўламиш, янаги йил ҳам шу хонада бирга турамиз, деб аҳд қиласиз.

Мехригийе БОЗОРОВА

Малаба қизнинг тилласи

— Вой, қани у? Қаёқда қолди узугим? Тавба! Ҳамма жим ўтириб, домла берган топширикни бажараётган пайтда Наргизанинг сүмкасини титкилаганча айтган бу ҳавотирли гапи ҳаммамизнинг эзтиборимизни тортди. Узук ўйқолганини киноларда кўрган эдим...

— Тинчлики? — ҳам ҳайрат, ҳам ҳавотир билан юзландик унга.

— Узумгим йўқ. Ҳозир кўлимда эди, — деди ва нима уундир менга қаради. Бу қарашидан худи сен олгансан, дәёғтандек туюлди. Ноқулай ахвoldа қолдим. У билан бирга ўтираман. Биринчи бўлиб мендан гумонсирашини тушунса бўладику-я, лекин барибир, қандай қилиб...

— Балки ерга тушиб кетгандир-а, — дедим умидворлик билан. Биламан, узуги тилладан, қимматбаҳо эди.

Хуллас, шу дарсимиз Наргизанинг узугини қидириш билан ўтди. У эса тинмай йигларди. Бу воқеадан гурухимиз раҳбари ҳам хабар топди. Ўзимдан ўзим хижолат бўлиб, уни овута бошладим. Бошқа жойда тушириб қўймадимикан, деб дарсга келгунча бўлган воқеаларни эслата бошладим.

Бундай ажабланарли воқеа бутун факультетга ёйилди. Ҳамманинг оғзида шу гап: «Наргиза ўқишида узугини йўқотиб қўйибди». Энг ёмони, қаёқка

гумдон бўларди, ўзининг дугоналари олгантирди-да, деган пицингларни ҳам эшитдик. Аммо, аниқ биламан, узукни мен ҳам, бошқалар ҳам олгани йўқ.

Шу воқеа сабаб бўлдими ё бошқами, ишқилиб, Наргиза бир ҳафта ўқишига келмади. Мен бўлсам, ана шу бир ҳафтани «игна устида» ўтказдим. Негадир ҳамма узук воқеасини менга боғлаб гапираётган эди...

Жонимга стипендия ора киритди. Йиғиб юрган пулимга уни ҳам қўшдим-да, Наргизага узук совфа қилишни ният қилдим. Ишим, ўнгидан келганини қаранг, яқинда туғилган куни. Бир-иккى кун олдин берсан, нима қипти, деб Наргизаларни

кига бордим. Дарвоза қўнғироғини босаяпман-у, қўлим титрайди, денг. Ҳудди ҳозир чиқиб, ҳа, ўғри, яна нимага келдинг, дейдигандек, совуқ терга ботиб кетибман ҳам. Мазам қочиб, энди қайтиб кетсамми ҳам деб турганимда, шарақ этиб дарвоза очилди. Наргиза. Қўзлари кулиб турибди. Юзлари ҳам қипқизил, ёник. Кайфияти ағло эканинни кўр одам ҳам кўради.

— Салом! — деди у қувноқ оҳангда. — Қайси шамоллар учирди? Биламан, кураторимиз ўқишига чиқсан, чакириб ке, деган...

— Йўғ-е, ҳалиги, узук...

Наргиза қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Қўлимга қара, — деди у

Сахифани ЎзДЖТУ талабалари тайёрлаши

чи бўламан, педагогика университетига ўқишига кираман», деб орзу қиларди. Учинчи курсга ўтганимизда, Моҳира уйларига совчи келаётганини айтиб қолди.

Бу дугонамнинг ҳам орзуси ушалмаслигидан ҳавотирлансам-да, минг бир истиҳола билан:

— Турмушга чиқишининг ҳали эртамасми? — деб сўрадим.

— Ўзимнинг ҳам ҳали оила куриш ниятим йўқ, — деди Моҳира. — Ота-онамга ҳам университет-

ни тугатиб, сўнг турмушга чиқишини айтдим.

Демак, Моҳиранинг ҳали турмушга чиқиш нијати йўқ. Дугонамнинг ҳам бола бошим билан бошқа шаҳарда қийналиб қолишим ҳақидаги қайтуришлари мени ўйлантириди. Ҳатто тест синовлари кунига қадар ҳам фикримдан қайтаришга уринишди. Ҳамма отана фарзанди ёнида бўлишини, уни ҳаётнинг машақату синовларидан асрарни истайди. Буни хис этиб турардим. Бироқ уларнинг соясида

ди: Моҳира ўзиға келган сеп ҳақида қувончи ичига сифмай гапиради...

Мен университет тала-баси бўлдим. Бунга эришгунча хийла изтироб чекдим. Ота-онамнинг ҳам бола бошим билан бошқа шаҳарда қийналиб қолишим ҳақидаги қайтуришлари мени ўйлантириди. Ҳатто тест синовлари кунига қадар ҳам фикримдан қайтаришга уринишди. Ҳамма отана фарзанди ёнида бўлишини, уни ҳаётнинг машақату синовларидан асрарни истайди. Буни хис этиб турардим. Бироқ уларнинг соясида

қийинчиллик кўрмай ўс-сам, эртага ҳаётда арзимас тўсиқ ҳам ўтиб бўлмас ғовдек кўринмайдими? Шу ўй-фиркларимни меҳрибонларимга айтдим. Уларнинг ишончини оқлашга ваъда бераб, хотиржам қилдим.

Бугун талабаман. Катта мақсадларни дилимга тукканман. Баъзан ўйлаб қоламан: агар ўшанда ота-онамга ниятимни тушунириб, улар ишончини қозонмаганимда, эхтимол, ўзим истаган университетта ўқишига киролмасмидим...

Вазира ИБРОХИМОВА



Ғаройиб дарс

— Яна олиб қочаясан, Тошматова. Саволга қайтамиш, саволга! Аниқ жавоб бўлмаяпти... Ӯзига сира ўхшамаётган домлага ажабланиб қарадим. Қарадим-у, кўзойнек орқасидаги кўздан тепса тебранмас, гапдонликни қадрига етадиган домламни тополмадим.

— Хўш, мавзуга тайёрмизми ёки... — У менга аввалидан ҳам жиддий, маъноли тикилганди, чидаёлмадим.

— Бир сафар шунақа бўл қолди-да, домла, — деб гўлдирадим. Кейинги дарсга пухта тайёрланаман.

— Бўлмаса, — деди у, — ҳамма мавзуга тайёр тур. Умумий савол-жавоб қиласиз. Ўтириш!

Кайфиятим тушди. Ҳеч панд бермаган сўзамоллигим биринчи марта, яна келиб-келиб шу домланинг дарсида панд берди-я. Алам қилди роса. Кейин нима бўлди, эсимда йўқ. Қарасам, М... дарси бошланибди. Ўз хохишим биланми ёки мажбурликданми, билмайман, мавзуни гапираётиман. Бош-

ланиши силлиқ кетаётган эди. Нимага ҳам домланинг айтгандарини такрорладим-а? Бошим балога қолди.

— Талаба деган мундоқ янгиликка ўч бўлмайдими, Тошматова, — деди у. — Айтгандарини тўтидай такрорлашингиз шартмас. Чайналгани чайнаб нима қилдик-а, ҳурматли талабалар?

— Тўғри, тўғри, — дейишиди гуруҳдошларим. Ўзимни базўр тутдим. Домла келтирган мисолларнинг эскилигини билмас экан, бунчалик ҳам куюниб ўтирасмадим. У ўқишини беш йил олдин битирган опамнинг уни ҳануз бизга ўтаётган маърузалари билан эслашини билмайди-да.

Домлаларга нима бўлган ўзи? Нега бунчалир ўзгариб қолди улар? Ё текширувчилар келдими-кан? Йўғ-е, шунча келганида бунча ўзгармаган эди, энди... Ишонмайман. Ҳар қалай, ўзгармагани яхшиими, дейман-да, сал эркинрок, дегандек... Нималар деяпман, ўзи?..

— Қизим, тур ўқишингдан кеч қоласан!

Қўзимни очсан, ёнимда онам, уйдаман. Ҳаммаси туш экан. Туш. Қанийди, бугун якшанба бўлса-ю, узокроқ ухласам, ўша домлаларнинг дарсига яна қатнашсан. Ўшанда домлаларининг саволларига яхшироқ жавоб берармидим?

Кумар БЕГНИЯЗОВА

Noodatiy voqeа

кўзлари қувончдан порлаб.

— Янгисини олдингми?
— Нималар деяпсан? Узумгим сумкамда, «замок»нинг ички томонига илиниб қолган экан. Шошгандан вахима билан уни кўрмабман. Уйга келиб ҳам роса изласам, дегин. Кайфиятим ёмон бўлиб, бошим ҳам оғриб қолди. Ўқишига шунинг учун боролмадим. Мана, энди бораман. Ҳаммаси жойида, ўртоқ. Ҳўш, ўқишида нима янгиликлар. Мени соғиндилингми? Якуний назоратларни ёзаётган бўлсаларинг керак-а? Эртага чиксан, ҳаммасидан топшираман. Бешга ёмоқчиман бу семестри, дугонажон!

Хайрият-е, дедим ичимда. Елкамдан тоғ ағдарилигандек эди...

Шахло АБДУҚАЮМОВА

Ҳайратомуз хазина

Юртимиз нафақат бой санъати ва маданияти, балки минг йиллардан сўйлагувчи осори-атиқалари, ноёб топилмалари, ажойиб минораю обидалари билан ҳам маълуму машҳурдир. Мана, неча йилларки, Шўрчи туманидаги Далварзинтепа ёдгорлиги дунё археологлари нигоҳида.

Мазкур ёдгорликнинг тарихий аҳамияти шундаки, у кадимги Кушонлар давлати маданияти ҳақида маълумот берувчи ноёб моддий ҳазинага эга бўлиб, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида у ерда қазилма ишлари бошланганди. Орадан ўн икки йил ўтиб, таникли археолог Баҳодир Турғунов шахристондан сопол кўза топади. Унда умумий оғирлиги 36 килограмм бўлган, 115 турдаги олтин буюмлардан иборат ҳазина бор эди.

Юртимиздаги аср топилмаси дейа ёътироф этилган мазкур ҳазина туриши шаклдаги қўйма ёмбilar, буюм-

лар, эркак ва аёлларнинг тақинчоқларидан иборат эди. Зебу зийнатлар орасидан Юнон-Бақтрия маданиятига мансуб феруза кўзли, нафис ишланган маржонлар ҳам ўрин олган бўлиб, шоданинг ўртасида афсонаий Неймей шерининг бoshини ушлаб турган Гераклининг бўртма тасвири туширилган.

— Ушбу бебаҳо топилма нафақат юртимиз, балки дунё миқёсида юксак аҳамиятга эга, — дейди археолог Баҳодир Турғунов. — У антик дунё санъати ҳақида муҳим маълумотлар беради. Шунингдек, юртимиздаги аср топилмаси дея ёътироф этилган мазкур ҳазина туриши шаклдаги қўйма ёмбilar, буюм-

лиз тарихининг бой ва бетакрорлигидан, ҳалқимиз жуда қадим ўтмишга эга эканидан дарар беради.

Далварзинтепадан топилган олтин тақинчоқлар кўшини давлатлардаги зебзийнатларга ўхшаса-да, улар мамлакатимиз худудида, аждодларимиз томонидан тайёрлангани шубҳасиз. Чунки Далварзинтепа Буюк Ипак йўлида жойлашган тижорат марказларидан бири бўлиб, кўшини давлатларга борадиган карвонлар бу ердан турли буюмлар олиб кетарди.

Ёдгорликдан топилган қимматбаҳо фил суюгидан тайёрланган шахмат доналари, Кушон подшоҳлари зарб қилдирган мис тангалар, аёлларнинг хилма-хил безаклари, қимматбаҳо тошлардан ясалган мунҷочлар, мис кўзгулар, тақинчоқлар, соч тўқноғичлари, шошқол доналари бир неча

халқаро кўргазмаларда намойиш этилган. Чунончи, буюмларнинг айримлари 1995 йили Парижнинг Гранд-Пале саройида муваффақиятли намойиш этилган бўлса, 1998 йилда Япониянинг Нара шаҳрида ўтказилган ҳалқаро кўргазмада дунё тарихчи-археологларини лол қолди.

Мазкур ҳазинанинг факат моддий эмас, балки маънавий аҳамияти ҳам бекиёсdir. Чунки у бизнинг бой ўтмишга эга эканимиздан дарар бериб, авлодлар қалбida фаҳр-иғтиҳор туйғуларини уйғотади. Аждодларимиз дунё тамаддунига мунособ ҳисса кўшганидан, юртимиз буюк давлатчилик тарихига эгалигидан ёшлар фурур туди, улар қалбидаги она-Ватанга бўлган муҳаббат янада юксалади.

**Абдуғаффор ОЧИЛОВ,
Денов туманидаги
62-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси**

Нуқуқ va yoshlar

Кафиллик шартномаси нима?

Фуқаролик кодексининг 293-моддасига кўра, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки керакли даражада бажармаган тақдирда, кафил ва қарздор кредитор олдида бирдек жавоб беради.

Башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсиднар жавобгар бўлиши ёхуд кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар жавоб беради. Шу жумладан, фоизларни тўлайди. Қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки керакли даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Мазкур кодекснинг 295-моддасига биноан, мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбуриятни бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга оловчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанчалик қаноатлантирган бўлса, шунча ўтади. Кафил кредиторга тўланган сум-

мага фоизлар тўлашни ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа заарни тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақли. Кафил мажбуриятни бажарганидан кейин кредитор қарздорга бўлган талабни тасдиқловчи хужжатларни кафилга топшириши ва бу талабни таъминлайдиган ҳуқуқларни бериши шарт.

Кодекснинг 298-моддасига кўра, кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлгач, шунингдек, ушбу мажбурият кафилнинг розилигисиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга олиб келадиган тарзда ўзгаририлган тақдирда кафиллик бекор бўлади.

Кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганида, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиш ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса, кафил таъминланган мажбуриятни бажариш мuddати келганида кредитор қарздор ёки кафил таклифини қабул қилишдан бош тортса, кафиллик бекор бўлади.

**Ўқтам ФОЗИЛОВ,
Бекобод шаҳар давлат
нотариал идораси нотариуси**

Yoshlik ilhomni



Қадринг сўраб дийдор сари шошган кўнгил, Ишқ кўйида ўзгаларни тан олмайман.

Асоларнинг дук-дукидаги яшар жоним, Дијл кўлоҳи дунёларга ёмғирпӯшидир. Пойинг томон судраламан, эй виждоним, Васл таҳти факат тушдир, ширин тушдир!

Ишқ юракни кўйдирган дам сурурлидир, Ҳилолханжар нурларидан ичавергум. Қисмат тоши бу дунёда энг зўр кучдир, Мен бу кучнинг қанотига учавергум.

Ишқ ёққан шам таважжуҳи эрур бу сўз, Қўзларимнинг тийралари учар бўлди. Ай, пайконлар, парвозингиз илғамас кўз, Сиз етган дил ҳар нелардан кечар бўлди...

**Сирожиддин ИБРОҲИМОВ,
Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани**



Охирги айиқ эди

Швейцарияда сўнгги айиқ ҳукумат қарорига кўра отиб ташланди. М-13 дея ном олган бу жонивор охирги вақтларда маҳаллий аҳолига жиддий хавф түғдирган.

Ўтган йили кеч кузда дала-ховлилардан бирини бузиб, аянчли ҳолатга келтирган айиқ қиши уйкуга қадар йилқиларга ҳужум қилган. Одамларга нисбатан кўркув йўқолгани сари М-13 кутилмагандан қишлоқларда пайдо бўладиган одат чиқарди. Бутун Швейцария ҳудудидаги ягона бу жонивор Австрия, Италияда ҳам анча вақт ҳаёт кечирган. Маълумотларга кўра, Швейцарияда туғилган айиқларнинг охиргиси 1904 йилда ўлган эди. Словениядан Италияга олиб келинган айиқлардан бир нечтаси Швейцарияга ҳам ўтиб кетган. 2006 йилда мамлакат ҳудудида тажовузкор саналган ҳар қандай йиртқични отиш мумкинлиги тўғрисида қарор чиқарилган. Шундан сўнг Швейцарияда айиқлар деярли қолмади. М-13нинг «ака»лари — М-12 ва М-14 машина уриб юборгани сабабли ўлганди. Бир неча ой мукаддам М-13ни поезд уриб юборган бўлса ҳам жонивор омон қолган эди.

Конгода навбатдаги ҳалокат

Конго Демократик Республикасида содир бўлган авиаҳалокат 36 кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди.

САА авиакомпаниясига қарашли бўлган «Fokker 50» самолёти Ложа шаҳридан Гома шаҳрига етиб бора олмади. Гома шаҳридаги аҳоли зич жойлашган ҳудудга қулаган самолёт бинога урилишига бир баҳя қолди. Самолёт бортидаги 40 кишидан 36 нафари воқеа жойида вафот этган. Ҳозирча тирик қолган тўрт кишининг аҳволи ҳамда воқеа сабаблари ошкор этилмаяпти. Уша куни кучли ёмғир ёғаётгани ҳам бунга сабаб бўлган бўлиши мумкин. Ўтган йил сўнгидаги ҳам шунга ўхшаш авиаҳалокат содир бўлган эди. Конго аэропортлари замон талабларига тўлиқ жавоб бера олмаслиги ҳамда ускуналар эскилиги бу ҳалокатларга сабаб сифатида кўрсатилмоқда. Европа Иттифоқи кора рўйхатида турувчи Конгода балки бу воқеадан кейин аэропортлар ҳолатига ўтибор оширилса, ажаб эмас.

Хурматсизлик учун жазо

Шри-Ланка полиция официери Буюк британиялик саёҳатчининг мамлакат ҳудудига киришига тўсқинлик қилди.

Гап шундаки, инглиз сайёхининг кўлига Будда ҳайкалининг сурати чизилган эди. Полиция сўзларига қараганда, бу уларнинг одатлари ва динига бўлган хурматсизлик сифатида тушунилади ҳамда низолар келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, Будда ҳайкалининг сурати сайёх танасиининг яна бир нечта жойида чизилгани маълум бўлгач, унинг Шри-Ланка ҳудудига кириши мутлақо тақиқланди. 2012 йилда уч нафар француздар саёҳатсининг ҳар бири Буддага бўлган хурматсизлиги сабабли бир йилдан озодликдан маҳрум этилган бўлса, 2010 йилдан бўён таникли реппер Эйконнинг клипидаги Буддага бўлган ножоиз лавҳалар туфайли мамлакатга кириши тақиқланган.

**Интернет манбалари асосида
Жавохир КАРОМАТОВ тайёрлади**

ТУЙFY

Эй, оқшом, ростдан ҳам шомларинг оқми, Қай гўзал кўзига кўчмиш қароси? Шодниклар ғамларни тўғсани ростми, Бир қадам эмишми дунё ароси?

Мен гуллай бошлабман
хеч ҳайқасдан, Қаҳратон совуғи этганда асир. Гурирайверибман аёзга қасдан, Баҳор деганлари қандай асotир.

Қўёш олисларкан эртакдагидай, Согинчлар юракни тордай чалибди. Сипқориб ичиман, ичаверибман, Мен ичган севгидан жомлар тўлиди.

Бахтиман, ўзимга бундай қарасам, Мен чиндан бахтиман, сир очмоқда рапай. Шундай экан, майли, совқотсан ҳамки, Қаҳратонда бир бор гулламаслик айб!

ТУШЛАРИМДА

Тушларимда от кўрдим, Сувлигини чайнаган. Йўлларни енгib ўтдим — Баҳтим билан ўйнаган.

Тоғлар бошин оқартган, Қорлар ёғди дилимга. Мени согиниб кутган, Гуллар чиқди йўлimga.

Мен кетаман, юрагим —
Висол сари ошиқкан.
Мени излайвермагин
Ўзинг айтган қўшиқдан.

Тушларимда от кўрдим,
Ёр томонга ошиқкан.
Дилдорининг васлига
Чин интизор ошиқман.

Етар, ёлғиз илмажим
Узманг, чиқиб ўйлымдан.
Висолга еткартувчи
Дийдор тутсин қўйимдан.

Ёрга айтинг, ёронлар,
Тушларимда от кўрдим...

МУШТОҚЛИК

Ниуфар гуллар яна тушимга кирди, Юзларин ювармиш шоҳона абр. Юрагим миллари шошиб юрамиши, Уларга етмасмиш баҳш этилган сабр.

Ҳилол ҳанжаридан оқаётган нур
Оқиб кирап эмиш менинг кўнглимга.
Ўзи уннутмоқлик — ҳижрон поёни,
Тушнинг зоҳирини кўрдим ўнгимда.

Тараҳхумнинг тажаллиси меҳрдадир,
Гулёр меҳрин излаб ҳар ён тополмайман.



Бугунги кунда Республика рассомлик колледжида ўқувчи-ёшларга тасвирий санъат, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, нақошлик, либос дизайнни каби санъатнинг турли йўналишларида билим берилади.

СУРАТДА: коллекционинг 3-курс ўқувчиси Соҳиба Бердимуродова маҳобатли безак санъати бўйича тайёрлаган ишларини намойиш этмоқда.

Сардор Муллахонов фотолавҳаси

Ўтган йили институтга киролмадим. Айни пайтда репетиторга қатнаяпман. Яқинда устозим дадамга телефон қилиб, ўглингиз жуда қобилияти, интилса, жуда кўп ютуқларга эришиши мумкин, бироқ дангасалиги унга халақит беряпти, дебди. Дарслардан бўшагач, телевизор олдида ўтиришни яхши кўраман. Дадам эса, сен дангасасан, дея кўп танбех беради. Мен телевизор кўришни дам олиш воситаси деб биламан. Ота-онамнинг танбехларидан жаҳлим чиқади. Улар мени масъулиятсизлиқда айблаб, ранжишади. Нима қилсан экан?

Музаффар Олимов, Нарпай тумани

Саволга Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчи, психолог Жавдат Пўлатов жавоб беради:

— Аввало, сизнинг нима сабабдан ўқишига қизиқишингиз сусайиб кетаётганини аниқлаш лозим. Телевизор олди-

да кўп ўтириш ёки ҳиссиётларга ортича берилиш ҳам сиз каби ўспиринларни жиддий машгулотлардан чалғитади. Вактни режали тақсимлаш кўнижмаларини ота-оналар фарзандларига кичкиналигидан ўргатиши керак. Айни пайтда отабола очиқасига гаплашиб олишингиз фойдалан холи бўлмайди. Кўпинча болалар ота-оналарининг ўринли танбехларини тўғри қабул қилмасликлари туфайли ўзаро тушунмовчиликлар баттар авж олиши, боланинг ўқишидан кўнгли совиши мумкин. Отонанинг боласини ҳадеб

Psiolog maslahati
дангасаликда айблайвериши кўп ҳолларда тескари натижা бериши ҳам мумкин. Ота-она фарзандини ҳаётда ўз ўрнини топиши учун ўқиш, касб танлаш қанчалик муҳим эканлигини ўқтириши учун баъзида бошқача чораларни ҳам қўллаши мумкин. Масалан, боланинг қизиқишиларидан келиб чиқиб, қандайдир илҳомлантирувчи усуллардан фойдаланиши яхши наф беради.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади

| ↗ | | | | | ↓ | ...нинг оти кўркок эмасдир | Галактика | Гугурт идиши | ↓ | Чалкаш йўлли жумбок | ↓ | келди — ҳамма келди | → | | | | ↑ | |
|-------------------|-------------------|---|----------------|---|----------------|----------------------------|--------------------|--------------------|---|---------------------|---|---------------------|--------------|--------------------------|---|---|---------|-------------|
| Институт ўқувчиси | 7 | | 4 | 1 | | | Киммат-бахо тош | | → | | | | 6 | | 8 | | Tofa... | |
| | | 5 | | | | 4 | 1 | | ↗ | | | | 3 | | 9 | | | |
| | | | | | 3 | 2 | | | | | | | 9 | 8 | 2 | 5 | | |
| Чаккон, эпчил | 8 | 7 | 5 | 4 | | | Тинч, сокин | | | Уч оға-... ботирлар | | | 4 | 1 | 9 | | | |
| | 1 | | | | | 5 | | | ↗ | | | | 5 | 2 | 8 | 6 | 4 | |
| | | 1 | 3 | | 8 | 6 | Шеър иходкори | | ↗ | | | | 5 | 3 | 2 | | | |
| | 5 | 6 | | 7 | | | Велосипед, каркаси | | ↗ | | | | 9 | 4 | 8 | 5 | | |
| | 3 | 4 | | | 5 | | Шинжи (спортчи) | Деми ... (актриса) | ↓ | | | | 2 | | 6 | | | |
| | | | 4 | 3 | | 6 | | | | | | | 7 | | | 1 | | |
| | | | | | | | Урфодат, удум | | → | | ↓ | ↓ | | ...-дун, галланинг маззи | → | | ↗ | |
| | Бўйни узун хайвон | | Авто чамбараги | | Харумли хайвон | ↗ | | | | | | | | Мотор қисми | → | | ... | була, чипор |
| | Тоғгули | → | | | Хурсанд, шод | Йирик кон томири | → | | | | | | Мен (шевада) | → | | | | |

Тузувчи: Рустам Юнусов

Газетанинг навбатдаги сони 2013 йил 3 апрель, чоршанба куни чиқади.

Касбий лаёқат ва педагогик маҳорат

Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да Навоий вилоят ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси, Тошкент давлат педагогика университети, Навоий кончилик коллежи ҳамкорлигидаги Президентимизнинг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада тақомиллаштиришга оид чорадабирлар тўғрисида»ги қарори ижросига бағишиланган «Илгор педагогик фоялар ва технологиялар: касбий лаёқат ва педагогик маҳорат» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни Навоий вилоят ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиги Л.Облақулов кириш сўзи билан очди.

Конференцияда ТДПУ проректори Шавкат Шарипов, мазкур университетнинг ўкув услубий бўлим бошлиги, техника фанлари номзоди, профессор Рауф Еркулов, Навоий давлат педагогика институти проректори Олим Қаюмов, Термиз давлат университетидан техника фанлари номзоди, доцент Улуғбек Эшқораев, Бўstonлик қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи ўқитувчилари, Навоий вилояти академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари иштирок этишди.

Конференция давомида Навоий кончилик коллежи ўқитувчилари томонидан «Маҳорат дарслари» ўтказилди.

Конференция дастурига кирилган маҳорат дарсларининг асосий вазифаси тизим салоҳиятини белгиловчи ўрта маҳсус касб-хунар таълимини ривожлантиришга қаратилган самарали иш тажрибасини амалиётга татбиқ этишга қаратилди. Анжуманда, шунингдек, таълим лойиҳалари лабораториясини ташкил этиш орқали ўрта маҳсус ва касбий таълимни ривожлантириш ҳамда таълим тизимидағи мавжуд муаммоларни самарали ечиш усуллари муҳокама қилинди.

Шўйбалар бўйича ўтказилган ийғилишларда турли йўналишлар ва ихтинососликлардаги мутахассисларнинг ўкув машгулотларини таҳлил қилиш, ўзаро тажриба алмашиш, олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими ўқувчиларига кучли билим бериш, улар малакасини ошириш, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро муносабатлари каби масалалар кўриб чиқилди.

Майсара НАЗАРОВА

YON DAFTARCHANGIZGA

Қаноатдан ҳеч кимса ўлмади,
Ҳирс билан ҳеч ким подшох бўлмади.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Тошкент вилояти Пскент тумани 7-умумий ўрта тавлим (собиқ Ушинский) мактаби томонидан 1992 йилда Мирзаев Хусниддин Ҳамидуллаевичга берилган №A12482 ракамли шаҳодатнома йўқолгандиги сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:
«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигига 2007 йил 19 апрелда № 0242 ракам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

Barcode: 9772010699000

Бош мұхаррір:
Ашурев Салим Тұраевич

Таҳрір ҳайъаты:
Баҳодир Фаниев, Мөхриддин Шукуров (бош мұхаррір ўрینбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош мұхаррір ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи мұхаррір:
Умарова Наргиза Баҳодировна

Саҳифаловчи:
Рўзиев Зафар Ҳусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-343. Адади — 16009
Босишига топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.50
ЎЗА якуни — 21.40

Офсет усулида босилган.